



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
(кейинги ўринларда "ТДЮУ")**

**ва**

**ЛОНДОННИНГ ҚИРОЛИЧА МАРИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**(кейинги ўринларда "ЛҚМУ")**

**Кейинги ўринларда алоҳида «Томон», биргаликда  
«Томонлар» деб юритилади**

**КЕЛИШУВ МЕМОРАНДУМИ**

**АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

Мазкур Меморандум ТДЮУ да магистратура босқичида таҳсил олаётган ёки бакалавр даражасига эга бўлган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, улар ТДЮУ ўқув дастур ва талабларига мувофиқ тарзда бир йиллик магистратурани ёки 4 йиллик бакалавриатни тугатиб, ЛҚМУ га ўқишга кириш учун ҳужжат топшириш имкониятига эга бўладилар.

Мазкур икки ўқув дастурлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд эмас ва талабалар ҳар бир танлов учун академик қоидалар ва тегишли муассасанинг талабларига мувофиқ алоҳида кўриб чиқилади.

Ушбу 1+1 ва 4+1 Келишув бўйича ТДЮУ ва ЛҚМУ дастурлари ва қабул қилиш мезонлари I, II, III, ва IV иловаларда келтирилган.

**1. АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

1.1. Ушбу Келишув Меморандуми унга икки томон ҳам имзо қўйган кундан бошлаб кучга киради ва 5 йил давомида амал қиласди.

1.2. Ушбу давр мобайнида Томонлар бошқа фанлар бўйича қўшимча дастурларни қамраб олиш учун Келишувни узайтириш имкониятларини кўриб чиқишилари мумкин. Улар I иловада кўриб чиқилади.

1.3. Томонлардан бири ушбу Келишувни унинг муддати якунланишидан 12 ой аввал ёзма равишда хабардор қилиш орқали бекор қилиши мумкин.

## **2. ҚАБУЛ ТАЛАБЛАРИ**

2.1. 1+1 тартиби учун: II иловада қайд этилганидек, ТДЮУда магиструрани 1 йиллик муваффақиятли тамомлагандан сўнг, талабаларга I ва IV иловаларда келтирилган талабларга жавоб берадиган бўлса, III иловада келтирилган Магистратура курсига қабул қилиниши мумкин.

2.2. 4+1 тартиб учун: Бакалавр босқичида 4 йиллик ўқишни муваффақиятли тамомлагандан сўнг, ТДЮУ талабалари I ва IV иловаларда келтирилган талабларга жавоб берган ҳолда III иловада келтирилган магистр даражасига қабул қилиниши мумкин. 4+1 Келишувига биноан Магистратура йўналиши билан боғлиқлик шарт эмас, лекин талабалар улар мурожаат этаётган дастурнинг кириш талабларига жавоб беришлари керак.

2.3. ЛҚМУ томонидан талабаларнинг тўғридан-тўғри мурожаат қилиши учун соддалаштирилган ариза бериш жараёнини ташкиллаштирилади, бироқ ҳар бир абитуриент учун академик масалаларда якуний қарор қабул қилиш ҳукуқини сақлаб қолади.

2.4. Номзодлардан ЛҚМУ томонидан танланган селектор билан сұхбатда қатнашиш ва сұхбатдан ўтиш сўралиши мумкин.

## **3. ТАҚДИРЛАШ ТАФСИЛОТЛАРИ**

3.1 ЛҚМУда тегишли магистрлик дастурини муваффақиятли тугатгандан сўнг, талабалар ЛҚМУнинг тегишли дипломи билан тақдирланадилар.

3.2. 1+1 тартибига кўра, ТДЮУдан бир йил давомида ЛҚМУда таълим олади ва буни ўз даражасига ҳисса қўшиш сифатида тан олади ва дастурни муваффақиятли тугатгандан сўнг тегишли ТДЮУнинг магистр даражаси берилади.

3.3. Иккала томон ҳам ушбу ҳамкорлик учун қилган барча ҳаракатлари қонунийдир ҳамда Ўзбекистон ва Буюк Британия қоидаларига мувофиқ бўлишини кафолатлади.

3.4. Ўқув йилини ЛҚМУда муваффақиятли тамомлай олмаган талабаларга ЛҚМУнинг даражага дипломи берилмайди.

3.5. 1+1 дастури учун иккала ўқув дастури ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқ ва талабалар ҳар бир мукофот учун академик низомлар ва тегишли муассасанинг талабларига мувофиқ алоҳида кўриб чиқилади.

## **4. МОЛИЯВИЙ ТАРТИБЛАР**

4.1. ТДЮУда ўқиётган талабалар белгиланган тўловларни ТДЮУга тўлайди.

4.2. ЛҚМУ дастурига қабул қилинган талабалар ЛҚМУга стандарт тўловларни тўлайдилар, аммо ҳамкор университет талабалари 10% чегирмага эга бўладилар. 10% чегрма бошқа стипендиялар ёки чегирмалар билан бирлаштирилиши мумкин эмас.

4.3. Талабалар бошқа мавжуд стипендиялар учун ариза топширишлари мумкин, аммо стипендия ютган талабаларга 10 % лик чегрма татбиқ этилмайди.

4.4. Бошқа молиявий тартиблар мавжуд эмас.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ КУТГАН НАТИЖАЛАРИ

5.1. Томонлар бошқасининг ёзма розилигисиз иккинчи томон логотипларидан, савдо белгиларидан ёки интеллектуал мулкидан фойдаланмаслик мажбуриятини олади. Материал инглиз тилидан бошқа тилда нашр этилиши керак бўлган ҳолатларда, томонлар барча таржималарнинг аниқ ва тўлиқ эканлигига кафолат берадилар.

5.2. Томонлар ўз муассасасида олиб бориладиган дарс сифатини таъминлаш ва курс (лар)нинг даврий мониторинги учун жавобгардирлар.

5.3. Ҳар бир Томон I иловада келтирилган дастурлардан бирининг ўқув дастурига бирон-бир ўзгартириш киритилса, бошқасини хабардор қилиши керак.

5.4. Томонлар ушбу Келишув бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда коррупцияга ва порахўрликка қарши барча қонунчилик нормалари ва сиёsatларига риоя қилишиб оладилар, хусусан мазкур қонун ҳужжатлари фақат шулар билан чекланмайди:

5.4.1. порахўрлик, коррупция ва фирибгарликка оид Ўзбекистон қонунлари ва қоидалари;

5.4.2 Бирлашган Қиролликнинг Пораҳўрлик акти, (2010 йил).

Шу мақсадда Томонлар сўров бўйича коррупцияга ва порахўрликка қарши ҳар қандай институционал сиёsatнинг намуналарини тақдим этадилар.

## 6. ИМЗОЛОВЧИЛАР:

ЛОНДОННИНГ ҚИРОЛИЧА МАРИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ

Профессор Колин Грант

Проректор (Халқаро)

15.12.20

Сана

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК  
УНИВЕРСИТЕТИ

Профессор  
Ҳакимов

Ректор



Сана